

Буюк хукмдорларидан Султон Махмуд Собуктакин Газнавийлар давлатининг илм ва салохиятда тенгсиз хукмдорларидан эди. У бутун хаёти мобайнида дини исломни ёйишда ўз шижаотини аямади. Унинг дин ва маърифат пешволарига бўлган мухаббати чексиз эди. Шу сабабли уларнинг зиёратларига борар, уларнинг тавсия ва иршодларига кўра ўз тадоригини кўрар эди.

Бир сафар вазирлари ва амирлари билан биргаликда замонасининг кўзга кўринган авлиёларидан шайх Абул Хасан Хараконий хазратларини зиёрат килишга борди. Одамларидан бир нечтаси шайх олдига олдинрок бориб унинг олдига Султон Махмуд келаётганини, бориб уни кутиб олиши кераклигини айтишади. Шайх уларнинг гапларига парвосига хам келтирмабди, хатто жойидан кимирлаб хам кўймабди. Султон ва одамлари шайх эшиги олдигача якинлашдилар. Бош вазир ялингудай бўлиб «Эй дин пешвоси, хеч бўлмаса подшойи салтанатни эшигингиз олдида кутиб олинг», деди. Хараконий бу гапга хам ижобат килмади. Вазир энди баланд овозда «Эй муборак зот, сен Аллоҳ таоло Куръони каримнинг «Нисо» сураси 59-оятида «Эй мўъминлар, Аллоҳга итоат килингиз ва пайгамбарга хамда ўзларингиздан бўлган (мусулмон) хокимларга бўйсунингиз!» деганини, унутдингми?», деди.

Шайх Хараконий жавоб тарзида: «Биз сен айтганинг Аллоҳ амрининг «Аллоҳга итоат килингиз» деган жойигача тўлиқ амал килмаяпмизки, хали навбат Пайгамбарга хам етиб келмади, султонга йўл бўлсин....»

Султоннинг ушбу гапга заррача хам жахли чикмади ва у хам индамайгина муридлар орасига сукулди. Зиёратдан сўнг атрофдагилари билан шайхга чукур хурмат бажо килиб саройга кайтиб кетди.

Ирода Тўрахонова тайёрлади